



YOSHILAR OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Бишкек шаҳри, Қирғизистон Республикаси, 2019 йил 14 июнь).

Мухтарам Сооронбай Шарипович!
Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Шарипович Жээнбековга яна бир бор самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.
Замонавий халқаро муносабатлар туб ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда.
Бир томондан, дунёда янги ахборот-технология тартиблари шаклланимоқда.
Илмий-техникавий тараққиёт инновацион ривожланиш учун ноёб имкониятлар яратиб бермоқда.

Бошқа томондан, йирик давлатлар ўртасидаги манфаатлар кураши кучайиб, жаҳон бозориди рақобат кескинлашмоқда. Демографик ва экологик номувозанатлик кучайиб, озик-овқат ва сув хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар жиддий тус олмақда.
Буларнинг барчаси терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансчегаравий уюшган жиноятчилик ва қуролли низолар шароитида содир бўлмақда.

(Давоми 2-саҳифада).

Xalqaro hamkorlik

5 ТА ЛОЙИҲА ЮРТИМИЗДА ЎТКАЗИЛАДИ

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида Ёшлар кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси ҳам қатнашди. Мулоқотларда ШХТ Ёшлар Кенгашининг 2018-2019 йиллардаги фаолияти бўйича маълумот берилиб, 2019-2020 йилларга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.



Муҳокамаларда Покистон ва Ҳиндистон ёшларининг ШХТ Ёшлар кенгашига қўшилиши, ШХТ Ёшлар кенгашининг давлат раҳбарларига мурожаатини ишлаб чиқиши, ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама этилди.
Йиғилишда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси раҳбари Каҳрамон Қуранбоев 2020 йилда ШХТнинг қишки оромгоҳини Тошкентда ўтказиш ҳамда Хивада ШХТнинг бизнес стартапини ташкил этиш каби ташаббусларни илгари сурди.
Ўзбекистон делегацияси Қирғизистон Республикаси Спорт ва ёшлар вазири билан ёшлар туризмни ривожлантириш ва улар ўртасида оммавий спортни тарғиб этишга қаратилган мусобақаларни биргаликда ўтказишга келишиб олди.
Ташаббуслардан келиб чиққан ҳолда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2019-2020 йиллар бўйича бешта лойиҳаси Ўзбекистонда ўтказиладиган бўлди. 2019 йилнинг октябрь ойида пойтахтимизда ШХТга аъзо давлатлар ўртасида "Стартаплар форуми" ташкил этилади.
Ноябрь ойида эса PROlogue V халқаро кинофестивалига ҳам шарт берилиб, Самарқандда ШХТ давлатларининг ёшлари ўртасида "Дўстлик учун!" шiori остида веломарафон ўтказилади. Шунингдек, 2020 йилнинг январиди ШХТ қишки ёшлар оромгоҳи ташкил этилса, баҳорда Тошкент шаҳрида футбол ҳамда волейбол бўйича хаваскор ёшларнинг 1 чемпионати ШХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларини яқунлаб беради.

Шахноза НУРУЛЛАЕВА

ШХТ САММИТИ – МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ УЧУН ҚУЛАЙ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Бишкек, 14 июнь. ЎЗА махсус мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13-14 июнь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида иштирок этди.
Саммитнинг асосий тадбирлари 14 июнь кунини "Ала-арча" қароғоҳида бўлиб ўтди. Дастлаб давлат раҳбарлари тор доирада учрашдилар.
Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Имом Хон, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон иштирок этди.

(Давоми 2-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН PREZIDENTLARINING UCHRASHUVI

Душанбе, 14 июнь. ЎЗА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида иштирок этиш учун Душанбе шаҳрига келди.
Давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода ва Душанбе шаҳри ҳокими Рустам Эмомали кутиб олди.
Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги Миллат саройида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди.
Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини жадал ривожланиб, тобора мустақамлашиб бораётганини катта мамнуният билан кайд этдилар.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни кенгайтириш истикболлари муҳокама қилинди ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.
Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентига ОҲИЧК саммити доирасидаги тадбирларини самарали ўтказишда муваффақиятлар тилади.

ЎЗА

ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ЁШЛАРИ ДЎСТЛИГИ

икки давлат ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни янада мустақамлашга хизмат қилади



Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир ҳаводан нафас олиб, бир дарёдан сув ичган элдир. Неҳа асрлар давомида тинч-тову, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимизни ягона тарих, муштарак мақсад, ўхшаш маданият ва кадриятлар, урф-одаглар бириктириб туради. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка асос бўлмақда.
Дўстлик ва қардошлик тамойиллари асосида синовдан ўтган кўп томонлама Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлиги бутун янги босқичга кўтарилди. Айниқса, икки давлат ёшлари ўртасидаги мустақам алоқалар келажак учун ҳам муҳим қадамдир. Бу бораларда алоқаларни янада мустақам-

лаш мақсадида жорий йилнинг 7-11 июнь кунлари Ёшлар иттифоқи делегацияси Туркменистонда бўлди.
Ташрифнинг илк кунинда делегация аъзолари ҳамда Туркменистон ёшлар ташкилоти Дошовуз вилояти Кенгаши раиси ўртасида учрашув ўтказилди. Сўнг вакилларимиз "Қуняргенчи" давлат маданий-тарихий маркази ҳамда Дошовуз вилояти тарих музейларида бўлиб, тарихдан сўзловчи ноёб экспонатлар билан танишди.
Делегация аъзолари 8 июнь кунини Ашхобод шаҳридаги Туркменистон жамоат ташкилотлари марказига ташриф бурди. Туркменистон давлат маданият маркази ва Туркменистон миллий гилам-

лар музейларига, Туркманбоши шаҳридаги Халқаро денгиз порти, "Халқ Хақидаси" ёдгорлик комплексига уюштирилган экскурсиялар таассуротларга бой бўлди.
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси "Талабалар баҳори" тадбирларида иштирок этиб, фаол туркман ёшлари билан яқиндан танишди. Туркменистон илм-фан кунига бағишланган ёш олимлар кўргазмасини кўздан кечирди. Вакилларимиз туркман ёшларининг изланишлари, соҳада эришаётган ютуқларини юқори баҳолади.
Фороб шаҳрида ўзбек-туркман дўстлигига бағишлаб маданий тадбирлар ташкил этилди.

Давоми 3-саҳифада.

Yoshlar oyligi МАЪРИФАТ ВА БАХТ ҚАРВОНИ



Ўғил-қизларга 10 мингта китоб, спорт анжонлари, мусика асбоблари, Wi-Fi роутер, hard дисклар совға қилинди.
Илк манзил — Учқудук туманидаги Айтим маҳалласида "Ёшлар кутубхонаси" очилиб, мингта китоб ҳадя қилинди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун спорт анжонлари, Қизилқум маданият марказига чолғу асбоблари тортиқ этилди.
— Бугунги шодиёна биз, учқудуқлик ёшлар қалбида ўчмас из қолдирди, — дейди ёш ижодкор Жасур Раззоқов. — Айниқса, маҳалламизда "Ёшлар кутубхонаси" очилгани бизни қувонтирди.
Тадбирлар Зарафшон шаҳри ва Томди туманида давом этди. Шаҳардаги Баҳор маҳалласи ҳамда Томди туманидаги "Томдибулоқ" овул фуқаролар йиғинида "Ёшлар кутубхонаси" очилди. Зинэ масканига китоблар совға қилинди. Лойиҳага 5 минг нафарга яқин ёш қамраб олинди. Саховатпеша инсонлар кўмагида икки синглис билан боқувчисиз қолган хатирчилик Достон Холмўминовнинг ниҳок тўйи ўтказиб берилди.

(Давоми 4-саҳифада).

Ёшлар ойлиги доирасида Ёшлар иттифоқи, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Ташаббуслар қарвони" ва "Китоб қарвони" лойиҳалари ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

ШҲТ САММИТИ – МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ УЧУН ҚУЛАЙ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

(Бошланиши 1-саҳифада).

Бугунги кунда биз учун: — хавфсизликни таъминлашда келишилган сиёсатни юритиш; — давлатларимиз барқарор тараққиёти ва раванки учун қулай шароитлар шакллантириш муҳим.

ШҲТ роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш бизнинг “Шанхай руҳи” ҳамда ташкилот тамойил ва кадриятларига нечоғлиқ амал қилишимизга боғлиқ бўлади.

Яқинда Пекинда “Бир макон, бир йўл” форуми муваффақиятли ўтказилди. Эртага Душанбеда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг саммити бўлиб ўтади.

ШҲТ билан бир қаторда бу мулоқот майдонлари барчамиз учун умумий шериклик маконини шакллантиради.

Бу минтақамизда замонавий тараққиётнинг энг муҳим масалалари бўйича ёндашувларни мослаштиришга хизмат қилади.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари! Бизнинг фикримизча, Марказий Осиё бундан кейин ҳам ШҲТнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарур.

Бугунги кунда минтақамиз нисбатан барқарор, ишончли ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлиб бормоқда.

Бу кенг миқёсли ҳамкорлик, муҳим минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун қулай шароит ва ноёб имкониятлар яратди.

Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилиши шулар жумласидан. Бу ўзаро савдони ривожлантириш ва мамлакатларимизга инвестициялар оқини оширишга кучли туртки бериши шубҳасиз.

Шу билан бирга, минтақа барқарорли-

ги кўп жиҳатдан Афғонистондаги вазият билан белгиланади. Ўзбекистон афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бугун қабул қилинаётган “ШҲТ – Афғонистон” Мулоқот гуруҳининг ҳаракатларига доир “Йўл харитаси”, шунингдек, ушбу мамлакатни устувор инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш орқали минтақавий ҳамкорликка жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, биз глобал тус олган ва миллионлаб инсонлар ҳаёти, Марказий Осиё мамлакатларининг экологик фаровонлиги ва иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётган Орол инкирози оқибатларини бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тарафдоримиз.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик Траст фонди ташкил этилди.

Бу ерда Экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди яратиб бўйича яқин ҳамкорлик қилиш ниятдаимиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! ШҲТ доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга оид тақлифларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Биринчи. Ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қуйидаги муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқишни тақлиф қиламиз:

— Ўзаро алоқалар, самарали иқтисодий ва транспорт йўлақларини ривожлантириш бўйича ШҲТ Ҳамкорлик стратегияси; — “Ақлли” кишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик концепцияси.

Иккинчи. Мамлакатларимизда замонавий ресурс тежови ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш мақсадида ШҲТнинг “Яшил белбоғ” дастурини қабул қилиш долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қуйидаги муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқишни тақлиф қиламиз:

Учинчи. Ахборот технологиялари ривожланишига масъул идоралар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари механизмининг жорий этиш, шунингдек, киберхавфсизлик масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқишни тақлиф қиламиз.

Тўртинчи. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш мақсадида ШҲТнинг Иқтисодий форумини мунтазам ўтказиш тарафдоримиз. Илк форумни Самарқанд шаҳрида ўтказишга тайёремиз.

Бешинчи. ШҲТ доирасида парламентларо мулоқотни тиклашга доир ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу янги механизм Ташкилот имкониятларини кенгайтириб, фаолиятимизга парламентарийлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш имконини беради.

Олтинчи. ШҲТ шахар ва минтақаларининг тарихий-маданий меросини оммалаштириш ва туристик салоҳиятини янада тўлиқ намоён этиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир яхши аънамага асос солишни тақлиф қиламиз: ҳар йили Ташкилотда расмий қилувчи мамлакатдаги шахарлардан бирини ШҲТ сайёҳлик ва маданий пойтахти, деб эълон қилиш.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Яна бир бор мухтарам Сооронбай Шариповичга меҳмондўстлик ва Саммитни юксак даражада ташкил этгани учун миннатдорлик билдираман.

Мухтарам Владимир Владимировичга Шанхай ҳамкорлик ташкилотига расмий қилмишда чин кўнгилдан муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

(Бошланиши 1-саҳифада).

Томонлар ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга, сиёсат, иқтисодиёт ва хавфсизлик соҳаларида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

ШҲТ Бош қотиби Владимир Норовнинг ташкилот фаолиятига доир ҳисоботи тингланди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ташкилотга аъзо мамлакатлар билан бирга кузатувчи, мулоқот бўйича шерик мақомидаги давлатлар, халқаро ташкилотлар делегациялари раҳбарлари катнашди. Унда ШҲТни ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари, муҳим минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди. Иқтисодий ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари ва кўп томонлама кооперациянинг бошқа жиҳатлари кўриб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

ШҲТ доирасида ташкил этиладиган турли мақомадаги учрашувлар Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларини рўёбга чиқариш учун қулай майдондир. ШҲТ минтақасидаги транспорт коммуникациялари мамлакатимизнинг жаҳон бозорига чиқишида муҳим омил бўлса, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқалар юртимиз иқтисодиётини ривожлан-

тириш, юқори технологияли корхоналар ташкил этишга хизмат қилади. Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлайди.

Бинобарин, Ўзбекистон ШҲТ доирасидаги барча тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ШҲТнинг Остона (2017) ва Циндао (2018) саммитларида илгари сурган тақлиф ва ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, Циндао Давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилинди, ўтган йилнинг сентябрида Тошкентда ШҲТга аъзо давлатлар темир йўли бўйича идоралари раҳбарларининг биринчи учрашуви ўтказилди.

Президентимизнинг қарорлари мувофиқ пойтахтимизда ШҲТнинг Халқ дипломатияси маркази таъсис этилди, Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” халқаро туризм университети очилди. Жорий йилнинг иккинчи ярмида эса аъзо давлатлардаги ёшлар ташкилотлари иштирокида Ахборот технологиялари ва инновацион ривожланиш ҳамда Старт ташаббуслари ва лойиҳалари бўйича форумлар ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ўз нутқида минтақага доир долзарб масалаларга эътибор қаратиб, уларни ҳал этиш бўйича амалий тақлифлар билдириди.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Бишкек декларацияси қабул қилинди. Аъзо мамлакатлар

ўртасида турли соҳалардаги шерикликни ривожлантириш, ШҲТнинг бошқа халқаро тузилмалар билан ҳамкорлигига доир 22 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Президентининг тақлифига мувофиқ, ШҲТга аъзо мамлакатларнинг Рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси ҳамда Худудларо ҳамкорликни ривожлантириш дастури қабул қилинди.

ШҲТга раислик Россия Федерациясига ўтди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда саммит самарали ўтгани, имзоланган ҳужжатлар ташкилотни янада ривожлантириш, минтақа мамлакатлари ва халқларини тараққиёт йўлида жипслаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Саммит доирасида ШҲТ Ёшлар кенгашининг мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозғоғистон, Хитой, Россия ва Тожикистондан ёшлар ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида минтақа ёшларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, таълим сифатини яхшилаш, ўзаро таъриба алмашишига имконият яратиш, тадбиркорлик лойиҳалари ва инновацион гояларини рўёбга чиқаришга қўмақлашини, бандлигини таъминлаш каби катор масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев шу куни Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг саммитида иштирок этиш учун Бишкекдан Душанбегача жўнаб кетди.

ЎЗА

ЎЗ ҚОЛИГА ТАШЛАБ БЎЛМАЙДИ

Пойтахтимизда “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтмоқда.

Анжуман Ёшлар кўни муносабати билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамкорлигида ташкил этилган. Унда йигит-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва маънан рағбатлантириш бўйича мамлакатимизда тўпланган таъриба муҳокама этилди. Хорижий спикерлар, шу жумладан, дипломатик корпус вакиллари мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.



Владимир ТЮРДЕНЕВ, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги фавкулотда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон Президенти ёшлар масаласига ҳамisha катта эътибор қаратади. Утган йили хурматли Шавкат Мирзиёев Циндао шаҳрида бўлиб ўтган халқаро саммитда ШҲТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаатини қабул қилиш тақлифини илгари сурганини эслайлик.

дентимиз тақлифига биноан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил қилинганини эслайлик. Тўғри, ёшлар ташкилоти илгари ҳам бўлган. Бирок янги форматдаги энди миллионлаб тендошларимиз оғирини энгил қилишдек масъулиятли миссияни зиммасига олиши керак эди. Шунга яраша унга ваколат ва молиявий имкониятлар берилди.

Биргина мисол. Айни вақтда Ёшлар иттифоқи салоҳиятли ва фидойий йигит-қизлар учун “социал лифт” вазифасини бажармоқда. Утган икки йил мобайнида ташкилот қаноти остида 170 нафарга яқин ёш раҳбар кадр тайёрланиб, давлат бошқарувининг турли бўғинларида фаолият олиб бориш учун тавсия қилинди.

2018 йилда Иттифок ҳузурида “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ташкил қилингани ҳам феноменал ҳодисадир. Шу чоққа жамғарма маблаглари ҳисобидан қўллаб-қувватлашнинг бизнес-лоийҳалари молиялаштирилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилган. Бу ҳақда молиявий тузилманинг ижрочи директори Бунёдбек Бахромбеков маълумот берди.

Анжуман яли мажлисида Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Мукаррам Нурматова аёллар бандлигини таъминлаш борасида қиллинаётган ишларга тўхталди.

— Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизини аёллар ташкил қилса-да, бироқ узоқ вақт учун иш ўринлари яратиш масаласига етарли эътибор қаратилмай келинди, — дейди М.Нурматова. — Натигада бир қанча жиддий ижтимоий муаммоларга дуч келдик. Меҳнат миграцияси, оилалар даромадининг пасайиши,

Бу сўзсиз, таҳсинга лойиқ жиҳат. Юртингизда ёшлар ташкилотлари юқори нуфузга эгалиги ҳам аҳамиятлидир. Бугунги тадбир доирасида ёшларга оид давлат сиёсатининг ютуқ ва камчиликларига ҳолисона назар ташлаб, биргаликда истиқболли режаларни белгилашга ҳаракат қилдик. Уйлайманки, учрашувимиз бесамар кетмайди.

маънавий савиянинг тушиши, шулар жумласидан. Президентимиз ташаббус кўрсатиб, ҳар бир туманда энгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуришни тақлиф қилди. Шунинг эвазига олий маълумоти йўқ уй беклари профили касб-ҳунар коллежлари базасида қайта тайёрланиб, ишли бўлайти. 2019 йилнинг биринчи чорагида республикамизда яратилган янги иш ўринлари ҳисобига 46 минг нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Йил охиригача бу рақамни 160 мингга етказиш кўзда тутилган.

Анжуман давомида хорижий меҳмонлардан ҳам фикр-мулоҳазалар тингланди. Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги фавкулотда ва мухтор элчиси Леонид Маринич иштирокчиларни ўз юртида олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати билан таништирган бўлса, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТКА)нинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Али Исхан Чағлар Ўзбекистон 30 ёшгача йигит-қизларга раҳбарлик лавозимларига кўтарилишига имконият яратиб, сиёсий элитасини навқирон авлод вакиллари ҳисобида тўлдирётган дунёдаги кам сонли давлатлардан бири эканини эътироф этди.

Куннинг иккинчи ярмида конференция ўз ишини тўртта шўбада давом эттирди. Бугун шўбада йиғилишлари бўйича якуний хулосалар тингланиб, фаол иштирокчилар тақдирланди.

Наргиза УМАРОВА



Али Исхан ЧАҒЛАР, ТКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

7 фоиз ставкада кредит ажратилмайди. Бундай имконият фақат сизларда бор. Ёшлар иттифоқи билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этиш борасидаги таърибанингизни ўрганишни хоҳлаймиз. Туркия ва Ўзбекистонлик ёшларнинг ўзаро мулоқот қилишига шароит яратишга тайёремиз.

— Ўзбекистонда иккита муҳим кадрият бор — оила ва ёшлар. Иккиси ҳам давлат эътиборида. У бизнесини бошламоқчи бўлган ёшларга ҳеч жойда

ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ЁШЛАРИ ДЎСТЛИГИ

Бошланиши 1-саҳифада.

11 июнь куни делегациямиз аъзолари Туркменистон сафарини якунлаб, юртимизга қайтиб келди. Қуйида уларнинг сафар таассуротлари билан танишасиз.



Бегмат ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши раиси
ўринбосари:

— Туркменистон Президентининг 2018 йил апрель ойида республикамизга ташрифи чоғида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Туркменистон Ёшлар ташкилоти Марказий кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди.

Меморандум доирасидаги келишувларга мувофиқ, қўшни давлатда бўлди. Махтумқули номидаги Туркменистон ёшлар ташкилоти Марказий Кенгаши раиси Солтангелди Бабаев билан ҳар иккала мамлакатда ёшлар сиёсати бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳақида фикр алмашилди. Келгусидаги ҳамкорлик фаолияти бўйича режа ишлаб чиқилди.

2020 йил якунига қадар Ўзбекистон ва Туркменистоннинг чегаралаш минтақалари бўлган Бухоро-Лебап ва Хоразм-Довоуз вилоятлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш режалаштирилган. Шунингдек, икки мамлакат ёш тадбиркорлари учун ўқув ташрифларини ташкил этиш, ёш спортчилар ўртасида турли спорт мусобақалари ҳамда “Аваза” миллий туризм зонасида Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон болалари иштирокида “Дўстона йуллар абадилдир” болалар фестивалини ўтказишга келишиб олинди.



Абатбай ДАНИЯРОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши раиси:

“Олимпия” спорт шаҳарчаси менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Спорт учун шаҳарча қурган қардошларимизга қойил қолдим. Халқимга “Нукусда ҳам шундай шаҳарча курси бўлар экан”, деган фикр келди.

Беш кунлик хизмат сафари ниятда самарали бўлди. Ҳар бир саяхат объектида ёшлар иттифонининг келгуси ишлари муҳофизат қилини, тажрибалар ўрганилди. Туркменистон ёшлар ташкилоти ҳам Ёшлар иттифоқи каби ёшларни ўз атрофида бирлаштирган. Фарқли жиҳати: бизда ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган ўғил-қизлар қамраб олинса, уларда ўттиз етти ёшгача бўлган шахслар аъзо бўлаверади. Аммо Ёшлар иттифонининг ваколат доираси кенгрок. Бизда “Қамалак” болалар ташкилоти фаолият кўрсатса, уларда “Болалар фонди” мавжуд.

Бизда ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳалари

рини рўйбга чиқаришга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали бандлигини таъминлашга қаратилган “Yoshlar — kelajagimiz” дастури бор. Бу лойиҳа қўшниларимизда энди йўлга қўйилмоқда экан.

Менга уларнинг “TALYP JOʻSGʻUNY — 2019” лойиҳаси жуда ёқди. Туркменистондаги 20 дан ортиқ олий таълим муассасаси мазкур фестивалда иштирок этди. Ёшлар ансамбллари томонидан халқлар дўстлигини тараннум этувчи ракс, куй ва кўшиқлар ижро этилди. Фестиваль таассуротларидан келиб чиққан ҳолда, ўзимизнинг олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлашга Ёшлар театр студиялари, “Кувноклар ва зукколор” танлови фаолларини бирлаштириб, талабалар иштирок этадиган “Жўшқин талабалар” лойиҳасини амалга оширишмоқчимиз.

Ҳамза РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон ёшлар
иттифонининг
Бухоро вилояти
кенгаши раиси:



Биз, аввало, Туркменистонда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдик. Жуда гўзал ва обод мамлакат.

Маълумки, ўзбек ва туркман халқлари азадан бири-бирига кўни-кўшичилик ришталари билан боғланган. Урф-одати, тили яқин. Маданияти, адабиёти санъати ҳамма ҳам. Дўстона сафаримиз бу биродарликни янада мустаҳкамлади. Туркман ёшлари ва эли билан учрашувларда улар қалбидagi табиий-туғма ватанпарварлик туйғулари, урф-одати, кийиниш маданиятидаги чуқур миллий қараш, биродарлик тушунчаларидаги софлик эътиборга лойик. Муслик ва санъатга интилишлари жуда кучли. Адабиёт борасида биз Махтумқулини қандай эъзозласак, уларнинг Ҳазрат Алишер

Навойи ва Захириддин Бобурни шундай севиб мурола қилиши халқларимизни янада мустаҳкам боғлаб турибди.

Касий денгизи соҳилидаги Болалар соғломлаштириш марказларида ўзбекистонлик болаларнинг мароқли ҳордик чикараётгани кувончимизни янаам оширди. “Аваза” миллий сайёҳлик зонасидаги “Даянч” оромгоҳидаги учрашувлар эса коллари бўлди. Икки миллат вакиллари бир-биримизни таржимонсиз тушундик. Болаларларда мухтарам Президентимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан сўзладик.

Туркменистонда ҳам ёш авлод камолоти йўлида олиб борилаётган ислохотлар диққатга молик. Қўшни давлатдаги ҳар бир турманнинг марказий кўчасида за-

монавий мактаб ва йирик спорт комплекслари қад ростлаган. Ёшлар учун тўғараклар худди биздагидек бепул ва имкониятлари кенг. “Олимпия шаҳарчаси” номи билан машҳур спорт шаҳри эса маҳобати ва салобати билан ҳайратимизни оширганни яширмайман. Спортни ривожлантириш соҳасида туркман модели жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан ўрганилишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Исмоил Каримов хотирасига ўрнатилган ёдрорлик, “Аваза” ва “Шамекан” туристик зонаси, “Алемгошар” ёшлар истироҳат боғи, “Куняургенч” давлат маданий-тарихий маркази ҳамда Касий денгиз савдо йўли портадаги саяхат ва учрашувлар таассуротларга бой бўлди.

Бугунги кунда 700 дан ортиқ туркменистонлик талабалар Бухоро вилоятидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тахсил олмақда. Улар билан алоқаларимиз мустаҳкам, доимий мулоқотда бўлиб турамоқда. Туркман ва ўзбек ёшлари ўртасида мусикий ва спорт тадбирлари, энгил атлетика ва сузиш бўйича мусобақалар, ижодий танловлар, ёш билимдонлар ўртасида викторина ва беллашувлар, бадий кечалар ташкил этишни режалаштирмоқчимиз. Вилоятда ўтказиладиган оммавий тадбирларда уларнинг иштироки доимий таъминлаб келинмоқда.

Олдинда ҳажжон билан кутаётганимиз — Ёшлар куни доирасида ўтказиладиган тадбирлар ўзбек ва туркман ёшларининг дўст ва биродар эл фарзандлари эканини яна бир қарра исботлашга ишонаман.

Мансурбек МАШАРИПОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти
кенгаши раиси:

— Ташриф давомида Туркменистон ёшлар ташкилоти фаолиятини ўргандик. Икки давлат ёш олимлари билан ҳамкорликдаги лойиҳалар республика йўли харитасига киритилди.

Туркменистон ёшлар ташкилоти раҳбари билан ўтказган учрашув ва музокаралар чоғида Хоразм вилояти делегацияси томонидан Хивада

“Туркменистон ёшлари куни”ни ўтказиш, қолаверса, Туркменистон делегациясининг Хоразм вилоятидаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган туркменистонлик талабалар билан учрашувларини ташкил этиш таклифлари берилди. Ўз навбатида улар маълумлини, келгусида юртимизда “Туркменистон ёшлари куни” ҳамда Туркменистонда “Ўзбекистон ёшлари куни”ни ўтказиш, икки халқ ёшлари фести-



валларини ташкил этишни режалаштирдик.

Мухиббаримов

ТИЗИМ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Munosabat

Президентимизнинг шу йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида:

“Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди...

Шу билан бирга, иқтисодийни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг

сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини таъминлаш қилмоқда”, деб таъкидланади.

Жамиятни коррупциядан халос қилиш осон эмас. Демак, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро унга қарши курашиши керак. Бунинг учун юртимизда етарлича ҳуқуқий асос яратиб берилмоқда. Юқоридаги фармон ҳам фикримиз далили.

Мамлакатимизни жадал ривожлантириш учун тадбиркорликка кенг йўл очилиб, инвестиция кириштиришга катта эътибор берилляпти. Бунинг учун жамиятда қонун устуворлиги таъминланиши, порахўрликни йўқотиш зарур. Фармондан кўзлан-

ган мақсад, аввало, инвесторларга қулай бизнес майдони яратиб берилляпти.

Фармонда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашларининг таркибиде коррупцияга қарши курашиш комиссияларини ташкил этиш тавсия қилинган. Бу комиссия жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганади, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Олий Мажлис палаталарининг коррупцияга қарши

курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталарига мунтазам ахборот бериб боради, соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш борасида таклифлар киритади.

Фармонда давлат хизматчиларининг даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ҳам белгилаб берилган. Ўз ўрнида давлат хизматчиларининг иш ҳақи етарли даражада бўлиши таъминланади. Даромадлар декларацияси ривожланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашишнинг самарали усули ҳисобланади.

Порахўрликка оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар қилган шахсларни ишончли ҳимоя қилиш ҳам бу борада самарали натижа беради.

Фармонда бу ҳақда ҳам сўз боради. Унга қўра, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмлари жорий этилади.

Лекин фуқаролар орасида ҳуқуқий онг ва маданиятни янада юксалтирмай натижага эришиб бўлмайди. Ҳужжатга қўра, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтиришга қаратилган ишлар ичиди давом эттирилади. Тегишли соҳада коррупцияга имкон яратаётган сабабларни бутунлай йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Эркинжон МАХМУДОВ,
Қўқон шаҳар алия
бўлими бошлиғи



MA'RIFAT VA BAXT KARVONI

(Boshlanishi 1-sahifada).

Zarafshon shahrida bir guruh yoshlar tashabbusi bilan ijtimoiy himoyaga muhtoj bolalarni qo'llab-quvvatlash maqsadida "Qo'li ochiqning yo'li ochiq" aksiyasi o'tkazildi. Shahar markazidagi "Saxovat muzlatkichlari"

kam ta'minlangan oilalar uchun oziq-ovqat va kiyim-kechak bilan, kitob javonlari esa badiiy adabiyotlar bilan boyitildi.

Xotin-qizlar bandligini ta'minlash maqsadida Navbahor tumanidagi Toshobod mahallasida istiqomat qiluvchi Oliyeva To'rayeva va Sitara Rahmatul-

layevaga 8 foizli imtiyozli kredit asosida tikuv mashinalari olib berildi.

Bundan tashqari, yurtimizda nogironlarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, tibbiy-ijtimoiy yordam ko'rsatish, hayot sifatini yaxshilash tizimini takomillashtirish, ularga ta'lim olish va ishga joylashishda har tomonlama ko'maklashish

choralari ko'rilmogda. Yoshlar tashkiloti ham nogironligi bor va ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar qatlamidan doimiy ravishda xabar olib kelmoqda.

Ittifoqning Navoiy shahar kengashi Janubiy mahallasida yashovchi I-guruh nogironi Feruza Boboqulovaga nogironlik aravachasi sovg'a qilgani buning amaliy ifodasi bo'ldi.

Navoiy shahar tibbiyot birlashmalarida "Ezgulik albatta qaytadi" shiori ostida



qon topshirish aksiyasi o'tkazildi. Unda qatnashgan 100 nafardan ortiq yosh esdalik sovg'alar bilan taqdirlandi.

Loyiha doirasida tadbirlar davom etmoqda.

Dilnoza ABDUHAMIDOVA, Dilkusho NAVRO'ZOVA

17-iyun — Jahon cho'llanish va qurg'oqchilikka qarshi kurash kuni

TABIAT INSONNIKI EMAS, balki inson tabiatning bo'lagidir



"Jamiyatda insonning tabiat ustidan hukmronligini oshiruvchi har qanday kashfiyot insonga quvonch emas, qayg'u keltiradi", degan edi Lev Tolstoy. Tabiat — tiriklik, hayot asosi. Yashnashiga ko'maklashmoq insoniyatga yaxshilik ilinish, unga yetkazilgan zarar esa tiriklikka xiyonatdir.

Bugungi kunda cho'llanish tabiatdagi eng katta muammolardan biri. U dunyoning yuzdan ortiq mamlakatlariga tahdid qilyapti. Achinarlisi, bu ko'p hollarda inson omili tufayli ro'y bermoqda. Ochig'ini aytganda, tabiatdan ayovsiz foydalanilishi tuproq va shamol eroziyasi jarayonini tezlashtirmoqda. 17-iyun sanasi "Jahon cho'llanish va qurg'oqchilikka qarshi kurash kuni" sifatida belgilangan ham muammoning jiddiy ekanligini ko'rsatib turadi.

Insoniyat g'oyat murakkab ekologik muammolar qarshisida turibdi. Iqlim o'zgarishi, ozon qatlamining yemirilishi, cho'llanish, ichimlik suvi yetishmasligi, o'rmonlar qisqarishi kabi masalalar nihoyatda dolzarb ahamiyatga ega.

Bu muammolar yurtimiz uchun ham begona emas. Ma'lumotlarga ko'ra, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Xorazm, Navoiy, Jizzax, Sirdaryo, Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlarida cho'llanish darajasi yuqori. Umuman, yurtimizda 22 million gektar yer cho'llanishga moyil hisoblansa, mavjud yaylovlarning 43 foizi inqirozga uchrab bo'lgan. Shu bilan birga, sug'oriladigan yerlar ham yildan-yilga qisqarmoqda. Bu muammolarga qarshi kurashish, o'z vaqtida samarali yechim topish maqsadida shu yilning 22-fevral kuni Prezidentimizning "O'zbekiston Respublikasida cho'llanish va qurg'oqchilikka qarshi kurashish bo'yicha ishlar samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Hujjatda respublikamiz hududining 70 foizi yoki 31,4 million gektari tabiiy sho'rlanishga, qum ko'chkilari, changli bo'ronlar va

garmellar tarqalishi ta'siriga uchragan qurg'oqchil va yarim qurg'oqchil maydonlardan iboratligi, Orol fojiasi oqibatida 5,5 million gektardan ortiq maydonli Orolqum cho'li yujudga kelgani alohida ta'kidlangan.

O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi O'zbekistonda BMTning qurg'oqchilik va cho'llanishga qarshi kurash konvensiyasi majburiyatlarini bajarish bo'yicha vakolatli organ etib belgilandi. Qo'mitaga:

respublikada cho'llanishning oldini olish, o'rmonlarni qayta tiklash va ihotat o'rmonlarini ko'paytirish bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish;

O'zbekiston Respublikasida cho'llanish va qurg'oqchilikka qarshi kurashish bo'yicha xalqaro majburiyatlarini bajarish;

cho'llanish va qurg'oqchilikka qarshi kurashish masalalari bo'yicha xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar bilan samarali o'zaro hamkorlikni ta'minlash;

O'zbekiston Respublikasida cho'llanish, qurg'oqchilikka qarshi kurashish bo'yicha dastur va loyihalarni ishlab chiqish, uni amalga oshirishda ishtirok etadigan vazirlik, idora va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari ishlarini muvofiqlashtirish kabi vazifalarni yuklatildi.

Ta'kidlash kerakki, tabiat insoniyatning boyligi emas, inson uning bir bo'laki, xolos. Shu bois unga ehtiyotkor munosabatda bo'lish kelajak uchun qo'yilgan muhim qadam ekanini barchamiz yaxshi anglashimiz lozim.

O'g'iloy PO'LATOVA, Nurota tumanidagi 5-maktab o'qituvchisi

Yoshlar oyligi doirasida Qoraqalpog'iston Respublikasida turli yo'nalishlarda ko'plab loyihalar amalga oshirilmogda.

Elikqal'a tumanida uchta yosh oilaga yangi xonadon kalitlari tantanal tarzda topshirildi. Tadbirda tuman hokimi Seydamat Avezov ishtirok etdi.

Davlatimiz tomonidan ko'rsatilayotgan e'tibordan mamnunmiz, — deydi "Yoshlar uyi"ga ko'chib o'tgan Eldor Kojanov. — Yangi xonadonda hayotimiz yanada totli va farovon o'tishiga ishonaman. Bunday muhitda ulg'aygan farzandlarimiz yurt koriga kamarbasta insonlar bo'ladi, albatta.

Elikqal'ada tikuvchilik sexi ham ishga tushdi. Uni "Elikqal'a teks" mas'uliyati cheklangan jamiyati rahbari Sharof

TO'XTAB QOLISH YO'Q!



Xo'jayev o'chgan. Yosh tadbirkor sex binosini qurish va zarur jihozlar sotib olish uchun "Yoshlar — kelajagimiz" jamg'armasi ko'magida salkam 800 million so'm miqdorida kredit oldi. Yangi korxonada 60 nafar ayol ish bilan ta'minlangan.

O'zbekiston Qahramoni, O'zbekiston va Qoraqalpog'iston xalq shoiri Ibroym

Yusupovning ijodiy merosini o'rganish hamda yoshlar o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish maqsadida Ittifoqning Qoraqalpog'iston Respublikasi kengashi "Ayaziy" intellektual tanlovini o'tkazdi.

Loyihaga 1 ming 300 nafar yigit-qiz qamrab olindi. Yakuniy bosqichda 32 nafar bilimdon o'zaro bellashdi.

14-19 yosh toifasida I-o'rinni chimboylilik Gulchehra Aytmuratova, 20-30 yosh toifasida esa Nukus tumani vakili Ulperi Aytazarova egalladi. G'oliblar diplom va esdalik sovg'alar bilan taqdirlandi.

"Yoshlar oyligi" doirasida kam ta'minlangan tengdoshlarimizga ijtimoiy yordam ko'rsatilmogda. Masalan, Ittifoqning Qo'ng'iro't tuman kengashi Oltinko'l shaharchasida yashovchi ijtimoiy himoyaga muhtoj oila vakili Ozoda Atajanova hamda "Azatliq" mahalla fuqarolar yig'inida istiqomat qilayotgan Qo'ng'iro't tibbiyot kolleji o'quvchisi, I guruh nogironi Ozoda Azatovaga zamonaviy tikuv mashinalarini sovg'a qildi. Endi bu qiz uyda kasanachilik bilan shug'ullanib, daromad topishi mumkin.

Yurtimiz bo'yab "Ezgulik albatta qaytadi" aksiyasi ham davom etmoqda. Unda 22 nafar shumanaylik tengdoshimiz — Ittifoqning boshlang'ich tashkilot yetakchilari va boshqa ko'ngilli yoshlar ishtirok etib, tuman tibbiyot birlashmasiga qarashli shifoxonada davolanayotgan bolalar salomatligi uchun qon topshirdi.

Indira MAMBETNAZAROVA

Yoshlar ittifoqi loyihalari

"EZGULIK ALBATTA QAYTADI!"



Yoshlar oyligi doirasida o'tkazilgan "Ezgulik albatta qaytadi!" shiori ostidagi uch kunlik xayriya aksiyasida Yoshlar ittifoqi, Ichki ishlar vazirligi, Milliy gvardiya xodimlari, Oliy ta'lim muassasalari yoshlar yetakchilari, talabalar va ko'ngillilar tibbiyot birlashmalarida bemor bolalar uchun qon topshirdi.

Yoshlarda insonparvarlik, o'zaro mehr-oqibat tuyg'ularini shakllantirishga xizmat qiladigan aksiyada 2 ming nafardan ziyod ko'ngillilar ishtirok etdi. Natijada, 826,8 litr qon yig'ildi.

Xalqaro donorlar kuni munosabati bilan Respublika Gematologiya va qon quyish ilmiy tadqiqot institutida davolanayotgan bemor bolalar va ularning ota-onalari uchun bayram dasturi tashkil etilib, Imkoniyati cheklangan yoshlar va bolalar markazi qoshidagi "Mehrlil qo'llar" fondi tomonidan bayram sovg'alari va oziq-ovqat mahsulotlari ulashildi.

Hayot QOSIMOV,

Yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi bandlikka ko'maklashish va ijtimoiy himoya bo'limi bosh mutaxassisi

Isbot talab qilinmaydi!

O'ZBEKISTON YOSHLARI QAYSI HUQUQLARIDAN FOYDALANA OLMAYDI?

Bepul va sifatli umumiy o'rta ta'lim olish huquqidan.

(O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 41-moddasida bepul umumiy ta'lim olish davlat tomonidan kafolatlanishi belgilangan. Afsuski, amalda unday emas. Deyarli barcha umumta'lim maktablarida o'quvchilar va ularning ota-onalaridan "sinf fondi", "maktab fondi", maktab ta'miri va farrosh

xizmati... uchun pul yig'ildi. Ustiga-ustak, bu yildan I-sinfga o'quvchilarni to'lov asosida qabul qilish kutilmogda.

Aksariyat o'qituvchilarning kasbiy malaka va mas'uliyati zamon talabiga javob bermasligi, mutasaddilarning loqaydligi yoki muammolar qarshisida ojiz bo'lib, ularga qarshi kurashishdan charchagani sifatli ta'lim olish orzusini puchga chiqarmoqda).

Achchiqotish HAYVONCHA TANISH-BILISHCHILIK

Hurmatli, Sherjon Arslonovich! Biz, "Ov qilish va ovchilikni rivojlantirish instituti" talaba-hayvonlari siz boshqa o'rmonlarga safar uyushtirib, bitimlarga panja bosish bilan band bo'lgan paytingizda dargohimizda qanday ishlar bo'layotganidan ogoh etmoqchimiz va kichik iltimosimizni ham aytamiz.

Achchiqotish

O'quv yili boshida: "Siz eng quyi kurs, quvusiz talabalarsiz. Bu o'rmonda yurish oson emas. Har qadamda muammoga duch kelasiz. Shunday vaziyatda darhol meni ogohlantiring, vaqt topolmasam, yordamchilarimga murojaat etasizlar", degandingiz. Ishonganlaringiz qing'ir ishing boshida turganini hisobga olib, nomani (ulardan sir saqlagan holda) qo'rg'oningiz yonidagi anjirim bargiga yozdik. Hammamiz yosh, tuyuq yetmagan to'qayzor, changalzorlardan kelgan, o'rmon ko'magan-

larmiz. Tolibi ov hayvonlarining yashashi uchun ajratilgan g'or o'z egalarini topgan, ko'chada och qolmaydigan ayiq, to'ng'izlarga bo'lib berilgan. Yoshlardan sizga hujjat qilib ko'rsatish uchun 4-5 nafariga joy berib, qolganlar dardini kimga aytarini bilmay, yantozzorlarda ijara yashab yuribdi. Kecha g'oraga mas'ul Tulkibek og'a ahvoli og'ir hayvonlarni yig'ib, hali ijara ko'p yashashimizni ma'lum qildi. Ov qilish tizimining yangilangan qonunidagi hayvonlarni amaliyotga jalb etib, mustaqil ov qilishga va o'z hayoti uchun kurashishga



o'rgatish haqidagi bandlarini ta'kidladi. G'ordagi ham hozirgi sharoitiga shu to'siqlarni tinimsiz yengib o'tish bilan erishganini uqtirdi.

Rahmat, Sherjon og'a, rahmat! Kun sayin ko'zimiz ochilyapti — ov qilaman deb xo'rak-

ka aylanganlarni ham ko'rdik, kechasi qo'rquvdan yuragi yorilgan, yovuz yirtqichlarning tuzog'iga tushganlar qancha... Xullas, hozirdanoq amaliyotda yuribmiz. Hayvonning boshi daraxtga qancha ko'p urilsa, o'rmon muhitiga shuncha tez moslashadi, degan fikringizni ma'qullagan holda iltimosga o'tsam: oramizda nozik va kichik jussasi, qolaversa, oilaviy sharoiti yomonligiga qaramasdan ov ishtiyogida yurgan quyonlar bor. Ular ham yirtqichlar bilan bir safda turib, ov qilyapti. Iltimos, o'rmon chetidagi tog'dan qiyналganlar uchun kichik bo'lsa ham g'or o'ysak. Talaba-hayvonlar mehnati bilan, albatta. Biz ijara ko'rgan qiyinchilik oldida bu azob holva. Ojizlar ulg'ayib, akalimiz darajasiga yetguncha kichik va tor yerda bo'lsa ham yashasa. Bizku, yan-tozqorda yumalab ham yotaveramiz, quyonlarga yordam beraylik!

Hurmat bilan,

JAYRABEK